ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

# СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

**28 февралда областимизда «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий доклади» мавзуидаги ягона сиёсий кун уюшқоқлик ва ишчанлик вазиятида ўтди. Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, муассасалар, ўқув юртларида уюштирилган учрашувлар, суҳбатларда сиёсий докладчилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг съездда Марказий Комитет номидан қилган Сиёсий докладда таърифлаб берилган қонда ва хулосаларга батафсил тўхталдилар, докладнинг асосий мазмунини тушунтириб бердилар. Олға қараб қилинадиган ҳаракатимизнинг мақсадлари, қўйилаётган вазифаларнинг бош йўналишлари ҳақида сўзлаб бердилар, фикр-мулоҳазалар алмашилди. Суҳбатлар маҳаллий ҳаётга шу кунлардаги ишлар билан боғланган ҳолда ташкил этилди. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш стратегияси тушунтириб берилди.**

**Ўн иккинчи беш йилликда ва яқин истиқболда рўёбга чиқарилиши керак бўлган режаларни муваффақиятли бажариш учун фан-техника ютуқларини ва илғорлар тажрибаларини кенг жорий этиш, планлаштириш, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш, инсон омилини активлаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Шу омиллар ёрдамида юксак онглилик, ташаббускорлик, мустаҳкам интизом, ишга ижодий муносабатда бўлиш резервларини ҳаракатга келтириш муҳимлиги айтилди.**

**Ягона сиёсий кун қатнашчилари партиямизнинг Сиёсий докладда аниқ-равшан баён этилган ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қизғин маъқуллаётганликлари ва қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар. Улар партия режаларини амалга ошириш, Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ ва самаралироқ меҳнат қилажакларини билдирдилар.**

## БЎЛАЖАК МУТАХАССИС ЭЪТИҚОДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ

Партия ҳозирги шароитда олий таълимни қайта қуриш вазифасини қўймоқда. Бу КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланди. Жумладан, кейинги йилларда мутахассислар кўпайиб борганн ҳолда уларни тайёрлаш сифати етарли даражада бўлмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Мустаҳкам эътиқодли, маънавий баркамол мутахассисгина партия олдимизга қўяётган улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал этиши алоҳида уқтирилди. Ўртоқ М. С. Горбачев келажагимиз кўп жиҳатдан бугунги кунда биз ёшларни қандай тарбиялаётганлигимизга боғлиқ, деди. — Бунда ўқитиш, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигини, студентларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатда ва жамоат ишларида актив иштирок этишларини таъминлаш жуда муҳимдир.

Шу мақсадда институтда биринчи навбатда марксча-ленинча назария, КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм фанларини ўқитиш савиясини ошириш чоралари кўриляпти. Кейинги йилларда студентлар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий ишлар такомиллаштириб бориляпти. Улар учун «Коммунистик ахлоқ тўғрисида ленинча таълимот» туркум лекциялар ўқиляпти. Шу мавзуда ҳозиргача 24 та лекция ўқилди.

Студентларни коммунистик руҳда тарбиялашда ленинча зачётлар, ижтимоий фанлар, ВЛКСМ тарихи ва халқаро ёшлар ҳаракати масалаларига оид конкурслар, марксча-ленинча назария бўйича конференциялар ўтказиш каби ташкилий тадбирлардан кенг фойдаланиляпти.

1982 йилдан бери институтда икки йиллик коммунистик тарбия университети ишлаб турибди. Унинг этика ва эстетика, интернационал, ҳарбий ватанпарварлик, атеистик, ҳуқуқий тарбия бўлимлари бор. Ўқув программасига кўра университетда ҳар ойда икки марта лекция ўқилади, ҳужжатли фильмлар намойиш этилади, уруш ветеранлари, адабиёт ва санъат арбоблари, олимлар билан учрашувлар ўтказилади. Жумладан, студентларнинг разведкачи партизан Мавлон Бердиев, шоир Уйғун, «Ёшлик» радиостанцияси ижодий коллективи билан учрашувлари жуда қизиқарли бўлди. Университет тингловчилари коммунистик тарбиянинг турли масалаларига оид рефератлар ёзишади, уларни машғулотларда муҳокама қилишади.

Институтда ижтимоий соҳалар бўйича факультет ҳам бор. Унда турмуш маданияти, бадиий ҳаваскорлик, спорт бўлимлари ҳамда сиёсий ахборотчилар, касаба союз, комсомол активи ва ёш лекторлар мактаблари ташкил этилган.

Ғоявий-тарбиявий ишларни олиб боришда факультетлар партия ташкилотларимизнинг коммунистик тарбия бўйича методика кенгаши олий ўқув юртларида шу соҳада кўзланган тажрибани оммалаштириб боради, тавсиялар ишлаб чиқади, кўргазмали агитация воситаларини тайёрлайди. Масалан, олиб борилаётган тарбиявий ишлар акс эттирилган фото альбомлардан бири СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш қилинмоқда. Ҳозир методика бўйича 12 та семинар ва 3 та марксизм-ленинизм мактаби ишлаб турибди. Уларнинг тингловчилари марксча-ленинча назарияни қунт билан эгалламоқдалар. Ёшларни Советлар Ватанига, коммунистик партияга садоқат руҳида тарбиялашда янгича анъаналар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ўқув юртимизда студентлар сафига қабул қилиш, Билимлар байрамини ўтказиш анъанага айланиб қолди. «Мен тинчлик учун овоз бераман» оммавий митинглари, сиёсий қўшиқ кечалари ташкил этилмоқда. Уларда совет студентлари билан биргаликда институтда таҳсил олаётган чет эллик ёшлар ҳам иштирок этишади.

Коллективимизнинг кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларни қишлоқ хўжалигига жорий қилиш соҳасидаги муайян ютуқлари юқори баҳоланди. 1985 йилги республика социалистик мусобақаси якунларига кўра институтимизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Бироқ, биз ишимизда ҳали анчагина камчиликлар борлигини биламиз. Улар студентлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш чоралари муҳокама этилган институт илмий кенгаши ва партия комитетининг қўшма мажлисида ҳам кўрсатиб ўтилди.

Идеологик ишда ҳанузгача қироатхонлик, расмиятчиликдан тўла қутила олганимизча йўқ. Ўқилаётган баъзи лекциялар, ўтказаётган суҳбатларимиз ғоявий савияси студентларимизни қаноатлантирмаяпти. Ёшлар ўртасида ҳужумкор қарши пропаганда олиб боришга эриша олганимизча йўқ.

КПСС XXVII съездидаги Сиёсий докладда олий ва ўрта махсус таълим структурасини қайта кўриб чиқиш, замонавий савиядаги, пухта назарий билимларга ва амалий иш кўникмасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш лозимлиги уқдирилди. Институт партия комитетининг бу соҳадаги фаолиятини съезд кўрсатмалари асосида қайта қуриш устида қунт билан ишлаш зарурлигини чуқур ҳис этяпмиз.

**В. БИКРИЦКИЙ,**
**Тошкент қишлоқ хўжалиги институти партия комитети секретарининг ўринбосари.**

## ШУНДАЙ САВОЛ БОР

**Микрорайонимизда маданият уйи йўқ. Шу сабабли бўш вақтни қандай ўтказишни билмаймиз. Бу масала қачон ҳал этилади?**

(Чирчиқ трансформатор заводи ишчи-хизматчилари).

**«Чайка» пионер лагерида санаторий-профилакторий қурилишида ёрдам кўрсатилишини сўраймиз.**

(Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз техникумининг коллективи).

**Бўка район механизациялашган кўчма колонна совхозимизда 1981 йилдан бери қураётган озуқа цехи қачон битади?**

(Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози чорвадорлари).

**Совхозлараро маиший хизмат кўрсатиш комбинатини ташкил этиш учун қандай чоралар кўриляпти?**

(Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози коллективи).

**Паркент шаҳрида йигирув фабрикаси қуриш масаласини ҳал этса бўладими?**

(Тошкент тўқимачилик комбинатининг Паркентдаги филиали коллективи).

**Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чоралари кўрилаётган ҳозирги пайтда биз ҳамон эски дастгоҳларда ишлаяпмиз. Улар қачон замонавийлари билан алмаштирилади?**

(Келесдаги механизациялашган кўчма колонна коллективи).

## ВАЪДА НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

КАЛИНИН РАЙОНИ

Муқаддам Нурматова съездга кетгандан бери фермада сут соғиб олиш анча камайиб қолди. Илгари кунига 1000 килограммдан сут соғиб олинган бўлса энди 660—680 килограммдан ошмаяпти.

Муқаддам чаққон ишларди, бошқаларни ҳам тинч қўймасди. Соғувчилар бир-бирларидан қолишмасликка ҳаракат қилишарди. Муқаддамни съездга кузатиш пайтида улар «Сен Москвада бўлган кунларингда ўзимиз учун ҳам, сен учун ҳам ишлаймиз» деб унга ваъда беришган эди. Лекин...

— Муқаддамга берган ваъдамизни бажара олмаяпмиз, — дейишди сут соғувчилар ягона сиёсий кунда сўз олишиб. — Сут топшириш планлари кун сайин бажарилмай қоляпти.

Кейинги кунларда озуқа танқислиги жуда ҳам сезилиб қолди. Омухта ем, барда умуман келмай қўйди. Қуруқ хашакдан сут кўпаймайди. Қоида бўйича ҳар бир соғин сигирга 16 озуқа бирлиги берилиши керак. Амалда берилаётган емиш миқдори 8—9 озуқа бирлигидан ошмаяпти. Шунинг учун ҳам ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут 5—6 килограммга тўғри келаяпти.

Колхоз чорвадорлари ўтган йили ҳам сут соғиб олиш планини бажаришмаган эди. Мўлжалдагидан 76 тонна сут кам етиштирилди. Ҳаммасига озуқакорлар айбдор эди. Улар ем-хашак тайёрлаш планини ўлда-жўлда қолдиришди. Чунки белгиланган майдонларга озуқа экинлари тўла экилмаган эди. Шунинг таъсири мана ҳозир сезиляпти. Сут соғиб олиш кун сайин камайиб бормоқда.

Озуқа тақчиллиги камлик қилганидек фермадаги сигирларнинг ярмига яқини қариб эчки мижоз бўлиб қолган. Улар ўрнини зотдор ғунажинлар билан тўлдириб бориш устида ўз вақтида ғамхўрлик қилишмади.

— Ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлар биз учун сабоқ бўлди, — деди ягона сиёсий кунда доклад қилган Калинин район партия комитетининг аъзоси, Куйбишев номли колхоз раиси А. Абдураҳимов. — Бу йил 176 гектар суғориладиган ер озуқа экинлари экишга ажратилди. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Ферма ишини механизациялаш мақсадида техник ходимлар сони оширилди, молбоқарлар кўпайтирилди. Ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш учун чорва бухгалтери ажратилди. Ишчан ходимлардан Ҳабибулла Қодирохунов ферма мудирлигига тайинланди.

Колхозда бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда сўзга чиққан нотиқлар хўжалик юритишда ўтган йилларда йўл қўйилган ана шундай камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Асосий эътибор КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида баён этилган янги вазифаларга қаратилди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда кўпгина кадрлар партиявий назоратдан четда қолган эдилар. Улар топширилган иш учун масъулиятни чуқур ҳис этмадилар, мансабларини суиистеъмол қилдилар. Сўз ва иш бирлигини таъминламадилар. Натижада ўтган йили сабзавот, мева, сут ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш планлари бажарилмади. Колхоз давлатдан катта миқдорда қарздор бўлиб қолди.

Район партия комитети хўжаликдаги аҳволни чуқур таҳлил этиб, ишни барбод қилган, ишончни оқламаган кадрларни қаттиқ жазолади. Бош инженер Т. Матқосимов партия сафидан ўчирилиб, вазифасидан четлатилди. Партия комитетининг секретари И. Пўлатовга қаттиқ виговор берилиб, вазифасидан бўшатилди.

Хўжаликнинг янги раҳбарлари КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди талаблари асосида ҳозир ишни қайта қуришга, ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳамма участка қаттиқ партиявий назорат остига олинди. Ишчи кучлари ва техника воситалари қайта ҳисоблаб чиқиляпти. Меҳнатга яроқли кишиларнинг ҳаммаси дала ишларига сафарбар этилмоқда. Ҳозироқ 18,5 гектар майдонга эртаги карам экиб бўлинди. Бошқа хил экинлар экиш ҳам қизғин бораяпти.

Бу йил хўжалик коллективи 5590 тонна сабзавот, 90 тонна узум, 40 тонна гўшт, 560 тонна сут ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришга аҳд қилган. Ҳозир бутун эътибор съездлар йилида олинган мана шу мажбуриятларни бажаришга, қолоқликдан чиқишга қаратилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладини ўрганишга бағишланган ягона сиёсий кун Калинин районининг бошқа меҳнат коллективларида ҳам ишчанлик вазиятида ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Ў. Зокиров «Рассвет» совхози, область автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси бошқармаси бошлиғи А. П. Горячев район йўл қурилиш ремонт бошқармаси, 6-қурилиш тресги бошқарувчиси К. Носиров 127-кўчма механизациялашган колонна коллективлари ҳузурида сиёсий докладлар билан чиқдилар. Район партия комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, сайлаб қўйилган активлар ҳам ягона сиёсий кунда турли меҳнат коллективлари билан учрашдилар.

**Ж. НОСИРОВ.**

**XXVII съезднинг қарорлари кўп йилларга ва ўн йилликларга мўлжалланган олға томон ҳаракатимизнинг, совет социалистик жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолати сари ҳаракатнинг характерини ҳам, суръатларини ҳам белгилаб беради.**

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан).



● **Суратда: Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози партия ташкилотининг секретари Э. Очилов хўжалик сут-товар фермасида суҳбат ўтказяпти.**

А. Зуфаров фотоси.

ТОШКЕНТ РАЙОНИ

## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

Ягона сиёсий кун машғулотига колхозчилар тўғри даладан келишди. КПСС XXVII съезди ўз ишини давом эттираётган шу кунларда колхоз аҳли дала ишларини янада кучайтириб, кўкламга экишга уюшқоқлик билан киришдилар. Шу кунгача салкам 100 гектар ерга эртаки экинлар экиб бўлинди.

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, — деди сиёсий докладчи, Тошкент район партия комитетининг аъзоси, Ленин номли колхоз раиси А. Умаров, — қишлоқ хўжалигининг қолоқлигига барҳам бериш суст кечмоқда. Ўн иккинчи беш йилликдаёқ озиқ-овқат таъминотини сезиларли даражада яхшилаш учун аграр секторда қатъий бурилиш ясаш керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатларини икки баробардан зиёдроқ ошириш, аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган гўшт, сут, сабзавот ва мева миқдорини анча кўпайтириш лозим бўлади.

Ҳаёт хўжаликни бошқаришни доимо такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатиб турибди. Лекин ишни қисман тузатиш билан чекланиб бўлмайди, туб ислоҳотлар ясаш керак. Токи, бутун ишлаб чиқаришимиз ижтимоий талабларга, одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилсин.

Озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, яъни шаҳар аҳолисини сабзавот, мева ва резаворлар билан йил бўйи узлуксиз таъминлаш мақсадида коллектив қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Агар ўтган йилнинг шу даврида давлатга бирор килограмм ҳам маҳсулот топширилмаган бўлса, бу йилнинг дастлабки икки ойида 9 тонна помидор, 1400 килограмм редиска, 200 килограмм саримсоқ пиёз, 200 килограммдан кўпроқ турли хил кўклар шаҳар меҳнаткашларига жўнатилди. Бир даладан икки-уч марта ҳосил олиш мақсадида бу йил эртаки экинларни барвақт экишга эътибор кучайтирилди.

Суҳбат давомида сабзавотчиликни тўла механизациялаш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Механизациядан фойдаланиш даражаси ҳозирча 20 процентни ташкил этади. Бу эса мутлақо қониқарсиз аҳвол.

Бу йил қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш даражасини 60—70 процентга, кейинги йилларда ундан ҳам ошириш мўлжалланмоқда. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Шу йилнинг ўзида экинларнинг 50 процентдан ортиғи машинада экилди. Озуқа экинларини тўла механизмлар ёрдамида экиш ва йиғиб олиш режалаштирилган.

**Б. ПЎЛАТОВ.**

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ САВОЛЛАРИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

## АМАЛИЙ ЧОРАЛАР

**— Ўн иккинчи беш йилликда шаҳримизда социал ва маданий маиший муассасалар тармоғини кенгайтириш учун қандай чоралар кўрилади?**

Бекобод металлургия заводи коллективининг бу саволига халқ депутатлари Бекобод шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Э. А. АҲМЕДОВ жавоб беради:

— Ушбу беш йилликда Бекободда 1276 ўринли янги мактаб ва 320 ўринли синфхоналар, 560 ўринли учта болалар боғча ва яслилари, 200 ўринли меҳмонхона, 100 киши овқатланадиган ошхона, пионерлар уйи ва ёш техниклар станцияси қурилиши режаланган.

Меҳнаткашларнинг физкультура ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилади. 10 минг ўринли стадион, ёпиқ сузиш бассейни қурилади. Шаҳримизда 130 койкали туғуруқхона, поликлиника, сутли таомлар ошхонаси, «Тез ёрдам» станцияси ҳам фойдаланишга топширилади. Бекобод кўчаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг кўлами анча кенгаяди.

**— Олмалиқда телефонлаштиришни яхшилаш учун нималар қилиняпти?**

Мебель фабрикаси ишчи-хизматчиларининг бу саволига шаҳар алоқа узели бошлиғи А. ЎТАМИШЕВдан қуйидаги жавоб олинди.

— Шаҳарда шу йилнинг биринчи кварталида 6 минг номерли автомат телефон станциясини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шу кунларда «Союзтелефонстрой» тресги монтажчилари зарур ускуналар ўрнатишни ниҳоясига етказмоқдалар.

Шаҳар капитал қурилиш бўлими ва 354-кўчма механизациялашган колонна автомат-телефон станциясини электр қуввати билан таъминлаш масаласини ҳал қилгач, абонентларни АТСга улашга киришилади.

1988 йилга бориб автомат-телефон станцияси номерлари 10 мингтага етказилади.

**— Учинчи микрорайонда аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, хусусан, замонавий кафе қурилишида ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз?**

Чирчиқ шаҳар савдо бўлимининг мудири Е. А. ШУЛЬГИНА медицина билим юрти талабаларининг бу илтимоси юзасидан қуйидагиларни маълум қилди:

— Микрорайон аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида бу ердаги ёпиқ бозорда универсам ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди. Шу йилнинг биринчи ярмигача эса микрорайонда музқаймоқ, турли шарбатлар, салқин ичимликлар билан савдо қилувчи замонавий кафе қурилади.

## Хўжалик юритишни такомиллаштирайлик

**ЎТГАН ЙИЛИ Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзолари давлатга 4900 тоннадан кўпроқ пахта етказиб бериб, белгиланган планни бажардилар. Лекин бу хўжалик меҳнаткашларини тўла қаноатлантиргани йўқ. Қатор бригадаларнинг ҳосили камайиб кетди. Тайёрланган пахтанинг юқори сифатли бўлиши таъминланмагани, машина терими салмоғи пастлиги колхоз экономикасига салбий таъсир кўрсатди.**

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладига бағишлаб хўжаликда бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда суҳбат ўтказган колхоз аъзоси, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати Замира Раҳмонова хўжалик юритишда йўл қўйилган камчиликларни рўй-рост кўрсатиб берди:

— План бажарилса-да, давлатга иккинчи навга топширилган пахта миқдори 1984 йилдагидан 1300 тонна кам бўлди, — деди у. — Аксинча, тўртинчи навга қабул қилинган пахта кўпайиб кетди. Шунинг учун 9, 15, 17-бригада коллективларида ҳар гектар суғориладиган ер ҳисобига олинган даромад 1000—1400 сўмдан ошмади. Ишчи кучи, техника воситалари билан деярли бир хил таъминланган бу бригадалар ўртасидаги тафовут кишиларнинг ерга, касбига, халқ олдидаги бурчига муносабатларини кўрсатиб турипти.

Суҳбатда колхозда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларидан ҳам катта зарар кўрилаётганлиги айтилди. Масалан, 1985 йилда пиллачилик, полизчилик, боғдорчиликдан ўнлаб минг сўмлик зиён кўрилди. Жамоат чорвачилиги ҳам рентабелсиз соҳалигича қолмоқда.

— Бултур йил бошида колхоз правлениесида бригада пудрати усулида ишлашга қарор қилинган эди, — деди З. Раҳмонова. — Аммо меҳнатни ташкил қилишнинг бу илғор усулини жорий қилишга юзаки қаралди. Машиналардан унумлироқ фойдаланиш учун барча имкониятлар бўлишига қарамасдан ҳосилни йиғиштириб олишга шаҳарлик ҳашарчилар жалб этилди. Оқибатда қўл теримига 80 минг сўм ортиқча сарфланди.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида қилган Сиёсий докладда хўжалик ҳисобини изчил жорий қилишга эътиборни қаратди. Колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига ривожлантиришлари, фойда ва даромадни оширишлари, самарали меҳнатни рағбатлантириб боришлари керак.

Ўн иккинчи беш йилликда хўжаликларга ҳар бир йил учун маҳсулот харид қилишнинг ўзгартирилмайдиган қатъий планларини белгилаш, қишлоқда хўжалик юритиш шароитини тубдан ўзгартириш мўлжалланаётир.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ

З. Раҳмонова КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладининг жуда катта назарий ва амалий аҳамиятини ҳам таъкидлади, партия белгилаб бераётган режаларни амалга ошириш учун ташаббускорлик ва омилкорлик билан меҳнат қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Райондаги бошқа меҳнат коллективларида ҳам ягона сиёсий кун эркин фикр юритиш, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Область партия комитети, район партия комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар турли меҳнат коллективларида суҳбат ўтказдилар.

Сиёсий докладчилар партия XXVII съездига КПСС Марказий Комитети Сиёсий докладининг аҳамияти, унда олға сурилган вазифалар ҳақида гапириб бердилар. Улар ягона сиёсий кун қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтардилар. Охунбобоев номли, Ленин номли, «Озод», «Коммунизм» колхозларида ёзги кинотеатрлар қуриш, Куйбишев номли колхозда 4-болалар боғчасини капитал ремонт қилиш, С. Сегизбоев номли совхознинг 2-бўлимидаги мактаб учун 8 та қўшимча синф хоналари қуриш ишлари ҳал этилаётгани меҳнаткашларга маълум қилинди.

**А. НОСИРОВА.**

